

ТУТ ИПАК ҚУРТИНИНГ ПУШТДОРЛИК БЕЛГИЛАРИ ЎЗГАРУВЧАНЛИГИГА ЭКСТРЕМАЛ ШАРОИТЛАРНИ ТАЪСИРИ

С.Р.Осербаева

*қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори (PhD) ассистент
Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти*

ИНФОРМАЦИЯ О СТАТЬЕ

АННОТАЦИЯ:

ИСТОРИЯ СТАТЬИ:

Received: 23.09.2025

Revised: 24.09.2025

Accepted: 25.09.2025

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:

*Ипак қурти уруғчилиги,
уруғ, зот, дурагай, линия,
ипакчанлик, ипак,
қўймадаги тухумлар сони,
озуқа, тут барги*

Ушбу мақолада, Қорақалпоғистон Республикаси шароитида парваришланган тут ипак қурти зот, дурагай ва линияларининг репродуктив белгиларининг ўзгарувчанлиги (Cv) ўрганилган. Олинган натижалардан шуни қўриш мумкинки, танланган зот ва тизимлар ва улар иштирокидаги F1 дурагайлар 2021 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Тахиятош туманининг Найманқўл ҚФЙ ҳудудидаги фермер хўжалигида парваришланиб, селекцион танлов амалга оширилган.

Кириш. Сифатли уруғ етиштириш мўл ва сифатли ҳосили олишнинг гаровидир. Аммо уруғчиликни ривожлантириш илм-фан асосида олиб борилмаса, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Ҳозирги даврда ипакчилик соҳаси олимлари олдида ипакчилик тармоғини янада ривожлантириш, пилла хом ашёсининг технологик кўрсаткичларини юқори даражага кўтариш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. [1; 67-68-б.] лар олиб борган илмий-тадқиқот ишларида мамлакатимиз уруғчилик корхоналарида тайёрланаётган дурагай уруғларни сифат кўрсаткичлари, уларни ота ва оналик тоза зотлари уруғини тайёрлаш ишлари билан ўзаро боғлиқлиги ҳақида хулосалар келтирилган. [2; 230-234-б.] лар тут ипак қурти элита уруғлари пуштдорлик хусусиятини турли уруғчилик минтақаларида пасайишини аниқлаш бўйича олиб борган изланишларида наслчилик ишида пиллаларни кўпроқ ипакчанлиги бўйича танлаш, уларни тухум маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатгани маълум бўлган.

Тадқиқот материали. Тажрибалар учун ипак куртининг Гўзал, Марварид, Асака, Мархамат зотлари, Л-301, Л-300 тизимлари, Юлдуз х Мархамат, Орзу х Асака, (Л-28 х Мархамат) х (Л-27 х Асака), (Л-27 х Асака) х (Л-28 х Мархамат), Ўзбекистон-5, Ўзбекистон-6, Хитой дурагайлари танлаб олиниб боқилди.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Ҳар қандай селекцион белги бўйича танлаш ишларини олиб боришда ушбу белгининг ўзгарувчанлиги катта аҳамиятга эга. Ўзгарувчанлик коэффиценти селекционер учун муҳим параметрлардан бири бўлиб хизмат қилади. Белгининг ўзгарувчанлиги юқори бўлса, бу популяцияда ҳар хиллик мавжуд бўлиб, бу ўз навбатида селекционер учун танлашга асос бўлади. Ёки, аксинча ўзгарувчанлик коэффиценти (C_v) паст даражада бўлса, бундай популяцияда танлаш учун материал етарли эмаслигини кўрсатади ва қанчалик интенсив танлов ўтказилмасин, белгини кўрсаткичларини ўзгартириш имкони бўлмайди.

Хўш, агар селекцион авлод бошланғич даврда оптимал шароитда сақланиб, кейинчалик экстремал ҳолатга тушсачи. Худди шу саволларга жавоб топиш мақсадида биз 4 хил зот ва 2 хил тизимларни репродуктив белгиларини 2020 йилда Тошкент шаҳри шароитида ва 2021-2023 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси шароитида ўзгарувчанлигини аниқладик. Олинган ўзгарувчанлик коэффицентлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси шароитида парваришланган тут ипак курти зотлари репродуктив белгиларининг ўзгарувчанлиги (C_v)


Зот ва тизимлар	Йиллар	Ўзгарувчанлик коэффиценти (C_v) %			
		тухум сони	тухумлар вазни	физиологик ёроқсиз	1 дона тухум вазни
1	2	3	4	5	6
Гўзал	2020	13,9	7,48	73,4	5,11
	2021	14,5	16,4	66,1	8,73
	2022	17,1	21,1	175,9	8,45
	2023	9,3	10,4	100	7,1
	Ўртача	13,7	13,8	103,9	7,3
Марварид	2020	15,9	15	80	0,89
	2021	19,3	19,2	69,6	8,75
	2022	17,8	21,1	163,6	7,3

	2023	13,7	13,3	88,2	9,9
	Ўртача	16,7	17,2	100,4	6,7
Асака	2020	11,07	11,04	86,8	5,09
	2021	9,8	17,5	28	8,77
	2022	13,1	13,3	75	3,5
	2023	12,4	14,4	90	5,3
	Ўртача	11,6	14,1	70,1	5,7
Мархамат	2020	12,63	12,4	65,4	5,02
	2021	-	-	-	-
	2022	11,4	12	67,1	3,6
	2023	11,2	12,7	90	5,4
	Ўртача	11,7	12,4	74,2	4,7
Линия-300	2020	15	13,7	109,1	6,5
	2021	11,56	14,62	81,43	8,7
	2022	14,4	14,7	92,8	6,7
	2023	12,1	12,4	114,3	6,6
	Ўртача	13,3	13,9	99,4	7,1
Линия-301	2020	7,2	9,0	88	6,7
	2021	16,9	17,2	64,7	6,6
	2022	12,1	14,8	162,5	9,0
	2023	16,9	19,0	100	7,4
	Ўртача	13,2	15	103,8	7,4

1-жадвалда келтирилган рақамлар ҳар йили олинган тухум қўймаларидаги тухумлар сони, тухум қўймаси вазни, физиологик яроксиз уруғлар улуши ва бир дон тухум вазни бўйича аниқланди. Репродуктив белгиларнинг ҳисоблаб чиқилган ўзгарувчанлик коэффиценти таҳлилидан шуни кузатиш мумкинки, юқорида таъкидлаб ўтилган 2021 йилдаги кескин стресс шароитга зот ва тизимлар турлича мослашганлар. Тухум қўймасидаги тухумлар сони бўйича, ўзгарувчанлик коэффиценти (C_v) мисол учун Гўзал ва Марварид зотларида авлодма-авлод ортиб борган - 13,9 %; 14,5 %; 17,1 % ва 15,9 %; 19,3 %; 17,8%. Янги истиқболли Линия 300 ва Линия 301 тизимларининг пуштдорлик даражасининг ҳар хиллиги ўзгаришида, аниқ яққол кўринувчи қонуният кузатилмади. Бу кўрсаткич 2020-2023 йилларда Линия 300 тизимида 15,0 %; 11,56 %; 14,4 % бўлган бўлса, Линия 301 тизимда 7,2 %;

16,9 %; 12,1 % ни ташкил этди. Худди шундай ўзгарувчанлик идентик равишда қўймадаги тухумлар вазни белгисида ҳам кузатилди.

Фикримизни далили сифатида қўйида 1-расм гистограммаларни келтириш мумкин.



1-расм. Зот ва тизимларнинг қўймадаги тухумлар сони бўйича ўзгарувчанлиги (C_v).

Юқорида келтириб ўтилган гистограмма маълумотлари шуни кўрсатиб турибдики, тажриба зот ва тизимлар популяциясида репродуктив кўрсаткичлар Қорақалпоғистон Республикаси шароитида турлича намоён бўлди ва ўз навбатида экстремал шарт-шароитлар зотларни пушторлигини ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин экан. Лекин, ана шу ўзгариш қайсидир зотни уруғ сонига таъсир кўрсатса, бошқа зотни уруғ вазнига ёки қуриб қолган ва оталанмаган уруғлар улушига таъсир кўрсатиши мумкин экан.

Репродуктив белгилар ўзгарувчанлигини таҳлил қилар эканмиз, энг паст ўзгарувчанлик 1 дона тухум вазни кўрсаткичида аниқланди. Ушбу белгининг ўзгарувчанлигини энг қўйи чегараси $C_v=0,89\%$ бўлиб, 2020 йил Марварид зотида аниқланди. Энг юқори чегара эса Линия 301 тизимида $C_v=9,0\%$ га тенг бўлди. Демак, ташқи муҳит шароити ҳар қанча ўзгармасин

1 дона тухум вазнида кескин ўзгаришлар бўлмас экан. Бу ҳолатни селекционерлар ўз тажрибаларида алоҳида эътиборга олишлари лозим бўлади.

Тухум кўймасидаги оталанмаган ва қуриб қолган уруғ улуши белгисининг ўзгарувчанлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Физиологик яроқсиз уруғлар улуши белгисининг ўзгарувчанлиги 2020-2023 йилларда шу даражада бир-биридан фарқ қилганки, ўртадаги тафовут жуда катта ҳисобланади.

Хулоса. Демак, ушбу муҳим кўрсаткичга ташқи паратирик омиллар кучли таъсир кўрсатар экан ва белгини ирсийланишида генетик омилнинг улуши жуда ҳам сезиларли эмас. Агар чуқур мулоҳаза қиладиган бўлсак, меъёрида ўсиб ривожланган ооцитга ташқи салбий омил ўз таъсирини кўрсатади ва мейоз бўлиниш издан чиқади ва бундай тухум хужайрада оталаниш содир бўлмайди, ёки муртак бластокинез давридаёқ нобуд бўлади. Шу билан бирга, агар қулай оптимал шароитларда ҳам оталанмаган ва қуриб қолган тухумлар кўп учраса, унда ушбу генотипда турли летал ва сублетал генлар мавжудлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Умаров Ш.Р., Насириллаев У.Н. Уруғчилик корхоналарида тайёрланаётган ипак қурти саноатбоп тухумлари сифатини яхшилашга оид. //Буюк ипак йўли табиий ипакни ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг илмий асослари мавзусидаги халқаро илмий-техникавий конференция материаллари. –Тошкент, 1996. 67-68-б.
2. Қурбанов Р.К., Қурбанова М.Х. Тут ипак қурти тухумчилигидаги айрим муаммолар. //Научные основы решения актуальных проблем развития шелковой отрасли. ЎзИИТИ илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 2004. 230-234-б.